

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭРХОНОВА МАЛОХАТ АБСАЙТОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎСИМЛИКЛАРНИ
БИОЛОГИК УСУЛДА ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Эрхонова Малохат Абсаитовна

Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усулда химоялаш тизими
самарадорлигини ошириш..... 3

Эрхонова Малохат Абсаитовна

Повышение эффективности системы биологического метода защиты
растений в сельском хозяйстве..... 23

Erkhonova Malokhat Absaitovna

Increasing efficiency of protection system of plants in biological method in
agriculture..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.27.06.2017.1.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЭРХОНОВА МАЛОХАТ АБСАЙТОВНА

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЎСИМЛИКЛАРНИ
БИОЛОГИК УСУЛДА ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1. Ph.D/Iqt 20-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Хушматов Норкул Садуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Абдуллаев Равшан Воҳидович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хўжақулов Ҳайитмурод Джавлиевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

**Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.1.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

У.П.Умурзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Б.Ф.Султанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.н.

К.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёдаги экологик мувозанатнинг бузилиши, экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши келажакда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулига устуворлик берилишини тақозо этмоқда. Чунки, мутахассисларнинг фикрича дунё бўйича, “инсоният биргина зараркундалар туфайли ҳар йили: 203,7 млн. тонна – дон; 228,4 млн. тонна – қанд лавлаги; 23,8 млн. тонна – картошка; 23,4 млн. тонна – сабзавот; 11,3 млн. тонна – мева ҳосилини кам олади”¹.

Глобал иқлим ўзгариши натижасида ўсимлик зараркундаларининг кўпайишига қулай шарт-шароит яратилиб, янги турдаги касаллик ва зараркундаларни пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бу уларга қарши курашнинг биологик усуллари янада такомиллаштиришни, янги турдаги биологик воситаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ва умуман бу борада янгича стратегик йўналишни танлашни талаб этмоқда.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори қишлоқ хўжалиги ҳам барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ҳамда мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжини юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда ўз аксини топмоқда. Навбатдаги вазифа маҳсулот сифати, уни рақобатбардошлиги ва ҳажмини янада оширишдан иборат. Шу боис, истиқболда “...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”² масаласи устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Республикамиз Президенти томонидан “...қишлоқ хўжалиги экинларининг касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш тизимини самарали ташкил этиш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида “Ўсимликлар клиникаси”ни ташкил этиш” топшириғи берилиши соҳани замонавий асосда ривожлантиришга қаратилаётган эътибордан далолат беради”³.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги (1998), Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2000) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Сулайманов Б.А., Болтаев Б.С., Комилов Ш.Т. Қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалари, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. – Т.: 2013 й. 52 б.

² Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ва Қизирик туманида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнининг 3-қисми 60 банди.

тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликларни биологик химоя қилишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари бўйича хорижий тадқиқотчилардан В.А.Черкасов, Ш.М.Гринберг А.П.Твердюков, П.В.Никонов, Н.П.Юшенко, Н.Р.Гончаров, А.О.Сагитов, С.S.Berfield, P.J.Sharpe, D.G.Bottrell, L.R.Beard, S.A.Temerak⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда аграр иқтисодчи олимлардан Р.Х.Хусанов, Н.Хушматов, К.А.Чариев, И.Қ.Ражабов, А.Тошбоев⁵ ва бошқалар ўз илмий асарларида муаммонинг айрим умумий ва назарий жиҳатларини кўриб ўтишган.

Ўсимликларни химоя қилишда кимёвий усулнинг ташкилий-иқтисодий асослари такомиллаштириш йўналишида эса олимлардан Қ.А.Ҳасанжанов, Ю.И.Сизова, М.А.Сагатова, Х.Асилов, Б.О.Мўминовлар⁶ илмий изланишлар олиб боришган.

⁴ Черкасов В.А., Гринберг Ш.М. Планирование, учет и отчетность в производственных биологических лабораториях. Эффективность биологического метода защиты растений. Кишинев – 1981 г. 111-113 стр.; Твердюков А.П., Никонов П.В., Юшенко Н.П. Биологический метод борьбы с вредителями и болезнями в защищенном грунте. (Справочник). М.: «Колос», 1993 г. – 90-93 стр.; Н.Р.Гончаров. Развитие инновационных процессов в защите растений. ВЗИР Москва – 2009 г. e-mail:vizrbp@mail333.com.; Сагитов.А.О. Биологическая защита растений в Казахстане: успехи, проблемы и пути их решения. Тезисы конференции ТашГАУ. 2008 г.; С.S.Berfield, P.J.Sharpe, D.G.Bottrell A temperature-driven developmental model for the parasite *Bracon mellitor* (Hymenoptera, Braconidae), *The Can. Entomol-econom.* 1977 y. – Vol.109, N 11. – P. 1503 – 1514.; L.R.Beard Production and use of *Bracon brevicornis* (Wesm), *Toxins Anim. and Plant Origin*, – 1971. – Vol. 1. – P.181-190.; S.A.Temerak *Über die Fähigkeit von Bracon brevicornis* Wesm. (Hym., Braconidae), zwischen nicht infizierten und von Bakterien infizierten Raupen von *Sesamia cretica* Lad. (Lep., Noctuidae) zu unterscheiden. *Anz. Schäd. Pflanz. Um.* – 1984. – Vol. 57N 3. – 8. 54-56.

⁵ Хусанов Р.Х. Ўзбекистонда аграр ислохотлар: эришилган ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари. Тошкент, ЎзБИИТИ, 2006. – 162 бет.; Н.С.Хушматов. Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. Дисс. ... икт. фан. док. – Т., 2005.; Чариев К.А., Ташбаев А.Ж. Экономическая эффективность биометода. // *Сельское хозяйство Узбекистана*, №6., 1984 г.; И.Қ.Ражабов Иқтисодий эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқариш самарадорлиги. Дисс. ... икт. фан. док. – Т., 2006 й.

⁶ Ҳасанжанов Қ.А. Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш. Т.: “Ўзбекистон”, 1973. – 97 б.; Ю.И.Сизова Эколого-экономическая эффективность химизации сельского хозяйства в условиях перехода к рыночным отношениям. Дисс. ... икт. фан. док. – Т., 1994 й.; М.А.Сагатова Организационно-экономические основы повышения эффективности агрохимической службы в условиях перехода к рыночным отношениям. Дисс. ... икт. фан. номз. – Т., 1994.; Х.Асилов Экономическая эффективность комплексных мероприятий защиты хлопчатника от вредителей. Дисс. ... икт. фан. док. – Т., 1995 й.; Б.О.Мўминов Кўп укладли иқтисодий шароитида агрохимсервис хизмати кўрсатишнинг ташкилий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш. Дисс. ... икт. фан. док. – Т., 2005 й.

Ўсимликларни химоя қилишда айнан биологик усулнинг технологик ва биологик самарадорлиги бўйича олимлардан Б.А.Сулаймонов, Б.С.Болтаев, Х.Х.Кимсанбоев, А.Р.Анорбаев, С.Н. Алимухаммедов, А.Ш.Шамуратов⁷ ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси аграр сектори иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида етиштирилаётган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражада сифат кўрсаткичларига эга бўлишини таъминлаб беришда биологик усулда химоялаш тизимини баҳолаш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотларнинг етарли эмаслиги боис мазкур соҳанинг илмий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти (ҚХИИТИ) илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ ҚХА-2-027-2015 рақамли “Агроэкологик хавфсизликни таъминлашда ўсимликларни биологик химоя қилиш усулини ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усулда химоялаш тизимининг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан биологик химоялаш тизимини ривожлантириш заруратини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан биологик химоялаш тизимини ривожлантириш хусусиятлари мавжуд шароитларни ҳисобга олган ҳолда ёритиб бериш;

қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зараркунандалардан биологик усулда химоялашнинг иқтисодий самарадорлиги, самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар тизимини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;

қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик химоялаш тизимини ривожлантиришнинг экинлар ҳосилдорлигига таъсирини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зараркунандалардан биологик усулда химоялаш тизимини жорий этиш кўламига таҳлиллар асосида баҳо бериш ҳамда тегишли илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

⁷ Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. Боғ, токзор ва дала экинларининг зараркунанда ва касалликлари ҳамда уларга қарши кураш усуллари. 2018. – 162 б.; Кимсанбоев Х.Х., Анорбаев А. Изучение эффективности применения интродуцированных видов Трихограмма в биоценозе хлопчатнике // Инновационный фан-таълим тизимини ривожлантиришнинг баркамол авлодини вояга етказишдаги роли ва аҳамияти. Илмий-амалий конференция. 1-китоб. – Тошкент, 2014. – Б. 334-336. Алимухаммедов С.Н., Шамуратов А.Ш., Адылов Э.К. Экономическая эффективность биологических средств защиты. Эффективность биологического метода защиты растений. Кишинев, 1981 г. – 92-109 стр.

қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зараркунандалардан биологик ҳимоялашда биологик лабораториялар моддий-техник базаси ҳозирги ҳолати таҳлиллари асосида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда ҳимоялаш борасидаги хорижий тажрибаларнинг аҳамиятли жиҳатларини умумлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти, унинг худудий ҳамда туман филиаллари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, бошқа бозор субъектлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети фермер хўжаликларини биомохсулотлар билан таъмин этиш, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таққослама таҳлил, социологик сўровномалар ўтказиш, абстракт фикрлаш, монографик кузатиш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биологик лабораториялар фаолияти самарадорлигини биологик лабораториялар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги нуқтаи-назаридан баҳолаш юзасидан кўрсаткичлар мажмуи тавсия қилинган;

биологик лабораторияларда биомохсулотлар ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш асосида баҳо шаклланиши бўйича тавсиялар тайёрланган ҳамда интенсив, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни кўзда тутувчи биомохсулотларни ишлаб чиқариш учун моддий ва меҳнат ресурслари сарфи меъёрлари тавсия қилинган;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалардан ҳимоялаш бўйича хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

биологик лабораторияларда хизмат сифатини оширишга қаратилган кадрлар таъминоти, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда ҳимоялашда биологик лабораториялар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалардан биологик усулда ҳимоялаш борасида хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрланган;

ўсимликларни биологик усулда ҳимоялаш тизимини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш йўллари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги соҳа олимларининг қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усулда ҳимоялаш тизимини ривожлантириш борасидаги илмий-

назарий карашлари, хориж тажрибаларини умумлаштириш, монографик тадқиқотлар ва сўровномалар ўтказишдан олинган натижаларга таянилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, “Ўзагрокимёҳимоя” акциядорлик жамияти тизимидаги ташкилотлардан ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларидан олинган маълумотлар таҳлилларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти биологаторияларда ўстирилаётган фойдали ҳашоратларни ўсимлик зараркундаларига қарши курашда қўллаш имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ иқтисодий билимларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш биологаторияларни кадрлар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтисодий имкониятини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўсимликлар зараркундалари сонини камайтириш учун фойдали энтомафағларни қўллаш, уларни кўпайтириш, кўпайтиришдаги сарф-харажатларини камайтириш ва ҳосил миқдорини ошириш, пировард натижада биологаториялар ва қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усулда ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш асосида:

биологаториялар фаолияти самарадорлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирини баҳолаш кўрсаткичлари мажмуи бўйича таклифлар “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил 20 февралдаги 02-12/313-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар тизимда биологик хизматлар эвазига сақлаб қолинган қўшимча ҳосил, биомахсулотлар сифати, унинг атроф-муҳит экологияси ва биохилмахилликка таъсири даражасини баҳолаш имконини берган;

биологаторияларда биомахсулотлар ишлаб чиқариш таннархи ва сотиш баҳосини ҳисоблаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил 20 февралдаги 02-12/313-сон маълумотномаси). Таклифларнинг амалиётга жорий этилиши биомахсулотлар таннархининг 15-20 фоизга камайишига олиб келган;

тавсия қилинган биомахсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган моддий ва меҳнат ресурслари меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 07/23-656-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши натижасида биомахсулотлар етиштиришда талаб этиладиган моддий-техник ва меҳнат ресурслари сарфини камайтиришга эришилган;

Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоялаш хизматларини кўрсатувчи субъектлар (турли мулкчилик шаклидаги биологический лабораториялар) фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил 19 апрелдаги 02-13/805-сон маълумотномаси). Таклиф этилган туман ўсимликларни биологический ҳимоя қилиш субъектлари уюшмасининг амалиётга жорий этилиши ҳудудлардаги биологический лабораториялар, биофабрикаларни тўлиқ қамраб олиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, биологический усулдаги тадбирларни мувофиқлаштириш, пировард натижада биологический усулнинг самарадорлигини ошириш орқали ҳосилни сақлаб қолиш даражасининг ортиши ва қишлоқ хўжалигида юқори самарадорликка эришиш имконини яратган;

биологический лабораторияларда кадрлар таъминоти, хусусан мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўзагрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил 20 февралдаги 02-12/313-сон маълумотномаси). Натижада биологический лабораторияларда агроном-энтмологлар салмоғини 50 фоизга, олий маълумотли мутахассислар салмоғини 40 фоизга ошириш эвазига биологический лабораториялар самарадорлигини 10-15 фоизга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференция ва семинарларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий ғояси, унда илгари сурилган илмий фикр ва мулоҳазалар асосида жами 16 та илмий мақола ва 7 та тезислар чоп этилди.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми жами 151 бет, унда 18 та жадвал, 11 та расм мавжуд.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологический ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўсимликларини зараркунандалардан биологический ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг объектив зарурати асосланган, тизимни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланиб бир тизимга

келтирилган ҳамда ўсимликлар зараркунандаларига қарши биологик усулда курашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари тизими такомиллаштириш бўйича тайёрланган тавсиялар ўрин олган.

Ишлаб чиқариш биологическая лабораторияси – ўзида биомасулотларни кўпайтирувчи механизациялашган тизим, турли хил ускуна ва бошқа техника воситаларига эга бўлган ўзига хос ва мураккаб хўжалик тизимидир. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг самарали ва узлуксиз фаолият юритиши учун, аввало биологическая лабораторияларнинг ташкилий-бошқарув тузилмасини бозор иқтисодиётига мослашган моделини жорий этиш ва ҳудуддаги мавжуд талабни аниқлаш ва бу талаб асосида режа ва дастурларни тузган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ўсимлик зараркунандаларига қарши биологик кураш тизимини ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятга эгаки, бу хусусиятларни бир тизимга келтириш уни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади (1-расм).




1-расм. Ўсимликлар зараркунадаларига қарши биологик кураш тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари⁸

Маълумки, биологик усулнинг самарадорлиги хусусиятларидан бири зараркунандаларга қарши курашда зарарланган барча ҳудудлар тўлиқ қамраб олинишининг шартлиги билан боғлиқлигидир, ҳудуддаги барча экин

⁸ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

майдонидаги зараркунандалар билан курашилмаса кутилган самара келтирмайди, зараркунандаларнинг ривожланиши уларга қулай табиий-иқлим шароитига боғлиқ бўлади. Агар табиий-иқлим шароити уларни ривожланиши учун қулай келса, масалан, ёғингарчилик кўп бўлиб намгарчиликни ортиши қайсидир зараркунандаларнинг кескин кўпайишига олиб келади ёки аксинча ҳаво қуруқ ва иссиқ келса уларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлади. Келгусида ихтисослаштириш даражасининг ортиши ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини ҳам ихтисослаштиришга олиб келади. Бундай ихтисослаштириш натижасида ресурсларни самарали бошқариш ва тежамкорлик асосида сарф-харажатларни қисқартириш имконияти ортади.

Биолабораториялар фаолияти самарадорлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси самарадорлигига таъсирини баҳолаш бўйича икки томонлама ёндашувга (Биолаборатория фаолияти самарадорлиги, Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги нуқтаи-назаридан) асосланган кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган (2-расм).



2-расм. Ўсимликларни биологик усулда ҳимоялашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари⁹

Бу кўрсаткичлар тизими биологик хизмат кўрсатиш эвазига сақлаб қолинган қўшимча ҳосил, биомахсулотлар сифати, биомахсулотларни керакли миқдорда ва ўз агротехник муддатларда етказиб берилишини,

⁹ Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган.

шунингдек, биологик усулни атроф-муҳит экологиясига ва биохилма-хилликка таъсир даражасини баҳолаш имконини беради.

Диссертация ишининг “Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усулда химоялаш тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолати” номли иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалардан биологик усулда химоялаш тизимини жорий этишнинг ҳозирги ҳолати ҳар томонлама таҳлил асосида баҳоланган, ўсимликларни биологик химоялашда биологик лабораторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича илмий ва амалий асосланган таклифлар тайёрланган, шунингдек, экинларни зараркунандалардан биологик усулда химоялаш бўйича хорижий тажрибалардан республикамизда фойдаланиш масалалари ўрин олган.

Республика бўйича 2007-2017 йилларда пахта ва ғалла экинларига биологик ва кимёвий усулда ишлов бериш кўлами таҳлиллари бу даврларда пахта ва ғалла экинлари ҳосилдорлигини ортиб борганлигини кўрсатади. Жумладан, 2017 йилда 2007 йилга нисбатан пахта майдонлари бир оз қисқарган бўлса-да, ҳосилдорлик 24,8 ц/га дан 26,7 ц/га га ортган, ғалла экин бўйича эса бу кўрсаткич 35,4 ц/га дан 45,3 ц/га ни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Республика бўйича пахта ва ғалла экинларига биологик ва кимёвий усулда ишлов бериш кўлами таҳлили¹⁰

Кўрсаткичлар	Йиллар						2017 й. 2007 й. га нисбатан,%
	2007	2009	2011	2013	2015	2017	
Биологик усуллар сони, дона	770	790	800	810	855	873	113,4
Пахта экин майдони, минг га	1376,8	1342,5	1322,1	1316,3	1315,6	1216,9	95,2
Ҳосилдорлик, ц/га	24,8	24,4	25,8	26,3	26,5	26,7	107,7
Биоусулда ишлов берилган майдон, минг га	911,4	883,4	950,6	947,7	986,7	989,4	108,6
Салмоғи, %	66,2	65,8	71,9	72,0	75,0	81,3	15,1 бандга
Кимёвий усулда ишлов берилган майдон, минг га	720,1	746,4	794,6	747,7	656,5	631,6	87,7
Салмоғи, %	52,3	55,6	60,1	56,8	49,9	51,9	- 0,4 бандга
Ғалла экин майдони, минг га	1223,5	1312,6	1323,4	1317,7	1440,1	1456,2	119,0
Ҳосилдорлик, ц/га	35,4	38,4	39,4	44,4	43,5	45,3	127,9
Биоусулда ишлов берилган майдон, минг га	433,2	504,4	521,4	585,1	924,5	949,4	2,2 марта
Салмоғи, %	45,2	49,1	61,2	63,9	64,2	65,2	20 бандга
Кимёвий усулда ишлов берилган майдон, минг га	674,1	737,7	698,7	640,4	661,0	613,1	90,9
Салмоғи, %	55,1	56,2	52,8	48,6	45,9	42,1	-13 бандга

Шу даврда пахтачиликда биологик усулда ишлов берилган майдонлар ҳажми ҳам 2017 йилда 2007 йилга нисбатан 8,6 фоизга ортган, ғаллачиликда эса 19 фоизга ортган. Умумий экин майдонидаги биоусул билан ишлов бериш учун қамраб олинган майдон салмоғи эса пахтачиликда 2007 йилдаги

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

66,2 фоиздан 2017 йилда 81,3 фоизга ёки 15,1 бандга ортган. Бу кўрсаткич ғаллачиликда мос равишда 45,2 фоиз ва 65,2 фоизни ташкил қилиб, 20 бандга ортган.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари ўртасида биологаториялар фаолиятини баҳолаш мақсадида ўтказилган сўровномалар натижалари шуни кўрсатдики, респондентларнинг асосий қисми, яъни 81,5 фоизи биологаториялар томонидан бажариб берилган хизматлар сифати қониқтиришини ва 18,5 фоизи эса қониқмаслигини таъкидлаганлар. Хизмат кўрсатиш нархлари бўйича 64,1 фермерлар қониқишини ва 35,7 фоизи эса нархлар қимматлик қилишини таъкидлашган (2-жадвал).

2-жадвал

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртасида биологаториялар фаолиятини баҳолаш мақсадида ўтказилган сўровнома натижалари (1 қисм)¹¹

№	Берилган савол мазмуни	Берилган жавоб натижалари, %		
		“Ҳа”	“Йўқ”	“Билмайман”
1	Биологаториялар томонидан бажариб берилган хизматлар сифати сизни қониқтирадилми?	81,5	18,5	-
2	Хизмат кўрсатиш нархлари-чи?	64,1	35,7	0,2
3	Сиз ҳудуддаги биологатория хизматидан бошқа турдош ташкилотлар хизматидан ҳам фойдаланасизми?	1,6	95,3	3,1
4	Сизнинг ҳудудингизда фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ўсимлик зараркунандаларига қарши биологик кураш бўйича семинарлар, тренинглар ва бошқа турдаги йиғилишлар ўтказиб туриладими?	89,8	6,4	3,8

Сўралган фермер хўжаликлари раҳбарларига “Сизнинг ҳудудингизда фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ўсимлик зараркунандаларига қарши биологик кураш бўйича семинарлар, тренинглар ва бошқа турдаги йиғилишлар ўтказиб туриладими?” деб мурожаат қилинганда, улардан 89,8 фоизи ўтказиб турилишини ва бундай тадбирлар асосан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ва “Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти Юқоричирчиқ туман филиали томонидан ва айрим пайтларда Тошкент Давлат аграр университети олимлари томонидан ҳар ойда ва ҳар чоракда амалга оширилиб турилишини айтиб ўтишган.

Биологатория мутахассисларининг билим даражасини баҳолаш мақсадида “Биологаторияда ишловчи мутахассислар билим ва малакаси қай даражада, деб ҳисоблайсиз?”, деб берилган саволга фермер хўжаликлари раҳбарларининг 25,5 фоизи юқори ва 74,3 фоизи эса ўрта ва фақат бир нечта фермер паст, деб жавоб беришган.

¹¹ Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

**Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги пахта-ғаллачиликка
ихтисослашган фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган
сўровнома натижалари (2 қисм)¹²**

№	Берилган савол мазмуни	Берилган жавоб натижалари, %		
		“Юқори”	“Ўрта”	“Паст”
1	Биолабораторияда ишловчи мутахассислар билим ва малакаси қай даражада деб ҳисоблайсиз?	25,5	74,3	0,2
		“Кўпайди”	“Камайди”	“Билмайман”
2	Охирги 10-15 йил давомида ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари тури кўпайдими ёки камайдими?	64,3	33,5	2,2

“Охирги 10-15 йил давомида ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари тури кўпайдими ёки камайдими?” деган саволга аксарият фермер хўжаликлари раҳбарлари, яъни 64,3 фоизи охирги йилларда кўсак қурти, ўргимчаккана, трипс, шира ва оққанот каби турли зараркунандаларнинг кўпайиб бораётганлиги ва бунинг асосий сабаби глобал иқлим ўзгариши натижасида уларнинг популяцияси учун қулай шароит юзага келаётганлиги билан изоҳлашган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик субъекти ўз фаолиятини самарали йўлга қўйиши учун мустақкам моддий-техника базага эга бўлиши зарурдир. Ҳозирги кунда республика бўйича 873 та биолабораториялар фаолият олиб бормоқда. Мавжуд биолабораторияларнинг қуввати янги механизациялашган линиялар ўрнатиш ҳисобига оширилмоқда. Натижада кўшимча 300 минг гектардан ортиқ майдонда биологик усулни қўллаш имкони яратилган.

Биомахсулотларни кўпайтириш, далага тарқатишнинг янги тартиблари ва тизимлари жорий этилмоқда. Биологик усул айниқса, ғўза майдонларида кенг қўлланилмоқда. Аммо, мавжуд биолабораторияларнинг 55 фоизи қўлбола (мослаштирилган) биолабораториялар ҳисобланади. Ушбу лабораторияларда кўпайтирилган биомахсулотларнинг самараси нисбатан паст бўлади. Далага тарқатилганда кутилган натижани бермайди. Келгусида ушбу биолабораторияларни жиҳозлаш, механизациялашган линиялар билан таъминлаш ҳисобига модернизация қилиш зарурати мавжуд.

Мавжуд биолабораторияларда биомахсулотлар ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш асосан механизациялашган линияларга боғлиқ. Ўрганилган Тошкент вилояти “Агрокимёхимоя” ҳудудий акциядорлик жамияти Юқоричирчиқ туман филиалига қарашли биолабораторияларнинг МЛТ-28-14 ва МЛЗ-12 русумли механизациялашган тизимлар

¹² Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида тузилган.

билан таъминланганлик даражаси тахлили шуни кўрсатдики, вилоят биологаторияларининг умумий таъминланганлик даражаси атиги 66,6 фоизни ташкил этади, холос (3-жадвал).

3-жадвал

Тошкент вилояти “Агрокимёхимоя” худудий акциядорлик жамияти тизимидаги биологаторияларнинг МЛТ-28-14 ва МЛЗ-12 русумли механизациялашган тизимлар билан таъминланиши¹³
(01.01.2017 йил ҳолатига)

Туманлар	Биологаториялар сони	МЛТ-28-14 ва МЛЗ-12 русумли механизациялашган тизим		Талабга нисбатан таъмин этиш, %
		Талаб қилинади	Мавжуд	
Вилоят бўйича жами	38	42	28	66,6
Шу жумладан:				
Оққўрғон	3	3	5	166,6
Бекобод	1	2	1	50,0
Бўка	6	6	3	50,0
Қуйичирчиқ	2	3	1	33,3
Юқоричирчиқ	4	4	5	125,0
Пискент	4	4	3	75,0
Ўртачирчиқ	6	6	4	66,6
Чиноз	5	5	2	40,0
Янгийўл	2	4	3	75,0
Бўстонлик	1	1	-	0
Оҳангарон	2	2	1	50,0
Зангиота	1	1	-	0
Қибрай	1	1	-	0

Механизация даражаси пастлиги туманларда биомахсулотлар (трихограмма, олтинкўз ва бракон) зарур ҳажмда ва ўз муддатларида ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди ва биологаториялар фаолиятида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини чекламоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун биологаториялар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган самарали кредитлаш тизимини жорий этиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалардан биологик усулда ҳимоялаш борасида бутун дунёда етарли тажрибалар тўпланган бўлиб, у ёки бу мамлакат қишлоқ хўжалигида бу тизим қандай ташкил этилганлигини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва ундан юртимиз шарт-шароитига мос бўлган жиҳатларидан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини биологик ҳимоялаш борасидаги тажрибалар ўрганиш асосида ҳамда республикамизда юзага келган шарт-шароитларни ҳисобга олиб қуйидаги тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

¹³ Тошкент вилояти «Агрокимёхимоя» худудий акциядорлик жамияти маълумотлари асосида ҳисобланган.

– фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ўсимликларни биологик ҳимоялаш бўйича бохабарлигини ошириш, бу усулнинг ўсимликларни ҳимоя қилишнинг бошқа усулларига нисбатан масалан, кимёвий усулга нисбатан экологик ва иқтисодий жиҳатдан афзалликлари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш;

– экологик муаммолар тобора ортаётган шароитда, республикада ҳам ўсимликларни биологик ҳимоялашда хорижда кенг фойдаланиб келинаётган инсектицид таркибига кирувчи биопрепаратларни ишлаб чиқариш ва амалиётда қўллаш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади;

– Исроил давлати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда биологик лабораториялар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ва импорти тизимини йўлга қўйиш механизминини ишлаб чиқиб амалиётга жорий этиш ва бошқалар.

Диссертациянинг учинчи **“Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усулда ҳимоялаш тизимининг самарадорлигини ошириш йўллари”** деб номланган бобида қишлоқ хўжалигида ўсимликларни биологик усулда ҳимоялаш тизимини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш, ўсимликларини зараркунандалардан ҳимоялаш бўйича хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўллари бўйича илмий асосланган тавсиялар ҳамда биологик лабораторияларни малакали мутахассислар билан таъмин этиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишнинг биологик ҳамда кимёвий усуллари бўйича хизматлар асосан пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиklarига кўрсатилиши, ҳудуддаги деҳқон хўжалиklари, аҳоли томорқалари ва иссиқхоналар эътибордан четда қолиши оқибатида зарарланган ҳудудлар тўлиғича йўқ қилинмаслиги, туман миқёсида ҳанузгача ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматинини ягона мувофиқлаштирувчи тизимнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муаммоларни маҳаллий ҳокимиятларга ёки ҳукумат даражасига олиб чиқиш орқали ҳал этиш бўйича тадбирларни амалга оширувчи ҳудудий доирада ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш бўйича хизмат кўрсатувчи субъектларнинг уюшмасини ташкил қилиш таклиф этилмоқда (3-расм).

